

ЭРТАКЛАР АРХИТЕКТОНИКАСИДА УЧЛИК ТАМОЙИЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

С.Ходжаев

ФарДУ доцент в.б.

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10594092>

Аннотация. Мақолада жаҳон ҳалқлари эртаклари архитектоникасида учлик тамойилининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг фалсафий-бадиий функциялари таҳлилга тортилган.

Калим сўз ва ибора: учлик тамойили, эртак, архитектоника, миграция назарияси, ўгай она мотиви, асосий персонаж, асар композицияси, образ, сюжет компонентлари, ёзувчи, матн, ўқувчи, маркибий қисм.

CHARACTERISTICS OF THE TRINITY PRINCIPLE IN THE ARCHITECTURE OF FAIRY TALES

Abstract. The article analyzes the uniqueness of the triad principle in the architectonics of fairy tales and its philosophical and artistic functions using the example of folklore of the peoples of the world.

Keywords and phrases: triad principle, fairy tale, architectonics, migration principle, stepmother motif, main character, composition of the work, image, writer, text, reader, component.

ХАРАКТЕРИСТИКА ПРИНЦИПА ТРОИЦЫ В АРХИТЕКТУРЕ СКАЗОК

Аннотация. В статье на примере фольклора народов мира анализируется своеобразие принципа триады в архитектонике сказок и его философско-художественные функции.

Ключевые слова и выражения: принцип триады, сказка, архитектоника, принцип миграции, мотив мачехи, основной персонаж, композиция произведения, образ, писатель, текст, читатель, составная часть.

Жаҳон адабиёти намуналарини кўздан кечирганимизда уларда воқеликни бадиий идрок этиш ҳамда бадиий матн сифатида яратиш жараёнида ёзувчилар асар архитектоникасига турли йўллар билан ёндошганини кузатиш мумкин. Хусусан, баъзи асарларда композиция, баъзиларда эса образлар учлик тамойилига асосланганини кузатиш мумкин. Зеро, бадиий асар яратилишида ижодкор кўллаган учлик тамойили ва унинг асар композициясига алоҳида хусусият сифатида сингдириб юборилиши бадиий асарнинг шакл ва мазмун бирлигини таъминловчи муҳим унсур саналади.

Кўринадики, адабиётшунослик назариясида учлик тамойили мавжуд. Лекин сўнгти йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотларда, хусусан, бадиий асар архитектоникасига оид изланишларда учлик тамойилига нисбатан камроқ эътибор қилинади. Ваҳоланки, асар композициясида учлик ва унинг турли шакллари мазмуний компонентлар юзага чиқишини таъминловчи асосий воситалардан ҳисобланади. Аслида учлик воқеликни бадиий идрок этиш, тасвирлаш тамойили сифатида адабиётшуносликда мавжуд.

Хусусан, “Эртак структурасини ташкил этувчи асосий тамойил бинарлик ҳисобланади. Бироқ сюжет қурилишида унинг ёнида учлик тамойили ҳам иштирок этади ва

у структуранинг иккилиқ хусусиятини бузмаган ҳолда унга сезиларли ўзгаришлар киритади”. Буни, аввало, бадий матннинг турли даражаларида кузатиш мумкинлигини айтиш лозим. Учлик асосга эга бадий асарлар талайгина бўлиб, бундай матнларда учлик хусусияти воқеликнинг асосий қисмида намоён бўлади. Масалан, барча асарларда бадий воқелик композицион ифодага кўра, уч ўлчамли шаклда акс эттирилади. Баъзи асарларда сюжет тузилишига кўра, учликнинг ёндош ёки миграция(сайёр) жиҳатлари ҳам кўзга ташланди. Биз фаслда тадқиқ этилаётган муаммонинг асосан ана шу уч жиҳатига эътибор қаратамиз.

Миграциялар назариясига кўра, турли ҳалқлар оғзаки ижодида бир-бирига ўхшаш сюжетлар мавжудлиги адабий асарлар бир маданий-тариҳий ҳудуддан бошқа маданий-тариҳий ҳудудларга кўчиб юриши изоҳланади”. Лекин сайёр сюжетдаги ўгай она, иложсиз ота ва қиз образи образлар нуқтаи назаридан учликка мисол бўлади. Масалан, ўзбек ҳалқ эртаги “Зумрад ва Қиммат”, рус фольклоридан “Морозко” (“Аёз бобо”) ҳамда француз фольклори мотивлари асосида яратилган ёзувчи Шарль Перронинг “Золушка” (“Кулойим”) каби эртакларида одобли қиз (Зумрад, Анастасия (Настенъка), Золушка), ўгай она, иложсиз ота учлигини қузатамиз. “Золушка”да у ўлган бўлса-да, иложсиз, қолган икки асарда эса тирик бўла туриб, хотини олдида ўз қизини ҳимоя қила олмайди. Бунда ҳар бир сюжетда асар композициясини белгиловчи асосий мотив ўгайлик бўлиб, айнан ҳасад, ичи қоралик муаммоларини очища мазкур образларнинг ўзаро муносабати асосий ўринда туради.

Масалан, ҳар учала эртакда ҳам асосий персонаж бўлган қизлар самимий, меҳнаткаш, ақлли, сабр тоқатли бўлиб, оналари вафот этган. Ўгай оналар эса ўз манфаатини ўйлаб ўгай қизларига қўпол муаммала қиласди. Ўз қизларини (“Золушка”да иккита қиз бўлади) эса дангаса, танбал ва хунук бўлиб тарбия топишига ҳисса қўшади. Мазкур эртаклардаги сайёр сюжетлар (бадий матн ҳам – С.Х.) ўзаро яқин бўлса-да, воқеалар кечадиган макон ва вақт турлича бўлади. Масалан, “Зумрад ва Қиммат”да тоғ ва ўрмонга яқин қишлоқда, ҳаво совуқ бўлмаган пайтда содир бўлади. “Золушка” ва “Морозко” (“Аёз бобо”)да эса рус ўрмонида ва қиша юз беради. Лекин буларда ҳам ўрмон тасвири учрайди.

Бироқ ушбу эртакларга кўчган сайёр сюжетлар ўзлари мансуб ҳалқ турмуш тарзи, жойлашган макони билан боғлиқ ҳолда ўзгаришга учрайди. Бошқа томондан юқорида келтирилган эртаклардаги воқелик, персонаж ва ўқувчи муносабатлари умуминсоний тамойилга айланиб ўз яхлитлигини сақлаб қолган.

Аслида, “сайёр сюжет” назарияси адабиётшуносликда қиёсий-тариҳий мактаб деб аталган йўналишга оид таълимотлардан бири бўлиб, у турли ҳалқлар орасидаги маданий алоқаларни ўрганиш ва адабий-назарий ишларда тарихийлик зурурлигини исботлаш соҳасида кўп фойдали хизматлар қилган. “Сайёр сюжет” назарияси баъзи тадқиқотчилар томонидан қиёсий-тариҳий мактабнинг заиф ва сохта таълимотларидан бири... деб, асосиз таълимот сифатида эътироф этилиб, бадий асарлар сюжетларининг бутун мураккаблиги ва ўзига хослиги музмунан қашшоқ, умумий қолилларга солиб қўйилар эди, деган фикр билдирилади.

Бир томондан олганда шундай, аммо сайёр сюжетнинг ҳар бир ҳалқ бадий асарида юзага чиқишида ўзига хосликни қузатиш мумкин. Масалан, ўгайлик мотивига асосланган сайёр сюжетларда воқеа тасвирига гап курилиши, бадий тасвирий ифодалар қўлланиши,

персонажлар номланиши, шумликни амалга оширган образлар хатти-харакатида ўзлари мансуб бўлган халқ урф-одати, турмуш тарзидан келиб чиқилади. Фикр исботи учун “Зумрад ва Қиммат” эртагини олиб кўрайлик. “Бир замонларда катта сой бўйида кичкина бир уй бўлган экан. Бу уйда чол, унинг Зумрад деган қизи, ўгай она ва унинг Қиммат деган арзанда қизи турар эканлар. Кампирнинг Зумрад деган ўгай қизни кўргани кўзи, отгани ўйи йўқ экан. У ҳадеб қизни уриб, қарғаб эртадан кечгача ишлатаркан, бечорага бир зум ҳам тинчлик бермас экан”. Эътибор қилинса, экспозицияда катта сой ва унинг бўйида ёлғиз, кичкина уй бўлганлиги тасвирланган.

“Аёз бобо”да эса эртак бошланишида табиат тасвир берилмайди: “Бир чол ва кампир бўлган экан. Чолнинг ўз қизи, кампирнинг ҳам қизи бор экан. Кампир ўзининг қизини эркалар, ялаб-юлқар, чолнинг қизини эса уришиб, қарғар экан. Қиз барча ишларни сўзсиз бажарап, барча ишларни аъло даражада уддалар экан. Одамлар қизга қараб уни мақтаёлмас экан. Чунки кампир буни эшитиб қолса, қизни яна қарғаб, уришар экан”.

“Золушка”да эртак бошланишида ҳам фарқлар бор: “Бой ва машхур одам бўлган экан. Унинг хотини ўлиб қолибди ва у иккинчи марта уйланибди. Иккинчи хотини шу қадар шафқатсиз, қаҳри қаттиқ эканки, дунёни излаб бунақаси топиб бўлмас эмиш. Унинг ўзига ўхшаган иккита қизлари бор экан. Эрида эса битта камгап ва самимий қизи бўлиб, у худди онасига каби дунёда кам учрайдиган меҳрибонлардан экан”.

Кўринадики, “Зумрад ва Қиммат” эртагида сой бўйидаги уйда яшайдиган чол ва унинг кампири, уларнинг биттадан қизлари ҳақида хабар берилса, “Аёз бобо” ва “Золушка”да сой, қишлоқ ҳақида гап йўқ. “Аёз бобо”да эса ўзбек эртагидек чол ва кампир ҳамда уларнинг биттадан қизлари борлиги айтилади. Золушкада эса бой ва машхур одамнинг хотини ўлгани айтилади. Эртаклардаги ана шу каби танишувдан сўнг ўгайлик мотиви асосидаги зулм баён қилинади. Ҳар учласида ҳам она ўгай қизини кўролмаслиги, унга зулм қилиши ва яхши қизларнинг ҳаётда баҳтларини топишида мўъжиза юз беради.

Зумрад ўрмонда отасини излаб юрганда сеҳргар кампир уйига олиб кетади ва унга сантиқ тўла совгалар беради, Қиммат ва ўгай она эса илонларга ем бўлади. Настенъкага ҳам сандиқ тўла совгалар беришади, аммо энди бу ерда Қор бобо (сеҳргар чол) асосий вазифани бажаради. Унинг ёғочдан қилинган уйи, от-улови, ҳассаси бўлади. Айнан Қор бобо ўгай она ва унинг қизини ўз нафслари қурбонига айлантириб, йўқ қилади. Золушка эса бойқуш ва ёнғоқ ёрдамида ўз баҳтини топади. Бу ерда мўъжиза кўрсатувчи куч қуш ва ёнғоқ эканлигига эътибор қилиш лозим. Чунки Францияда ўрмон нисбатан кўпроқ, бойқуш мўъжиза кўрсата оладиган кудратли қуш сифатида келтирилади. Ёнғоқ эса мўъжизали бўлади. “Зумрад ва Қиммат”да “Золушка” ёки “Аёз бобо” (“Морозко”) эртаклари сюжет таркибидаги Европа табиати ва Европа халқлари ҳаётига оид тушунча, тасвир, образ ва деталлар учрамайди. Шунингдек, ўгайлик мотивида ўхашашлик бўлса-да, образларнинг кўринишдаги поэтик ва услубий талқинлари, миллийлик, халқчиллик, ғоявий таъсирчанликни таъминлаш билан боғлиқ бадиий-эстетик вазифаларда қатор фарқлар борлигини кўринади.

Умуман олганда, сайёр сюжетлардаги учлик тимсоли мазкур типдаги сюжетларнинг барча халқлардаги умумий етакчи хусусияти саналади. Биз юқорида таҳлилга тортган турли

эртаклардаги персонажлар учлиги ёки воқелик, қаҳрамон ва ўкувчи учлиги ҳам, кенг маънода, исталган бадиий асарда учрайдиган ҳодисадек туюлса-да, аслида ундан эмас.

Чунки сайёр сюжетларнинг бир халқдан иккинчи халқ фольклорига қўчиши (миграцияси) ижтимоий тараққиётнинг маълум босқичида турли халқлар турмуш тарзидаги ўзаро яқинлик билан боғлиқ жараён хисобланди. Шу маънода бошқа бадиий асарларда, хусусан, ёзма адабиётда учрашининг ижтимоий омиллари ўзаро маданий алоқа, ижодий таъсир маҳсули дейиш мумкин.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни якунлаб, шуни алоҳида таъкидлаймизки, бадиий асарларни ўрганишда асар композициясидаги образлар муносабати, сюжет ва унинг компонентлари жойлашуви учликнинг ўзак, ёндош ва сайёр хусусиятларини ёрқинроқ ифодалайди. Шунингдек, учлик тамоилии сайёр сюжет, мотив орқали ҳам юзага чиқиши мумкинлиги ўзбек, рус ва француз халқ эртаклари мисолида исботланди.

REFERENCES

1. Мелетинский Е.М. С.Ю.Неклюдов, Е.С.Новик.Д.М. Сегел. Троичность. IV. (1969)/ 130-131; 4.5) <http://diction.chat.ru>.
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. - 268-бет.
3. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Кўп томлик. Зумрад ва Қиммат. Халқ эртаклари. – Тошкент: Faafur.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.235- 240 (320 б). 2) Шарль Перро. Золушка. https://thelib.ru/books/perro_sharl/zolushka.html#google_vignette. 3) Морозко. Русская народная сказка. – Петрозаводск: Карелия, 1975. – С.3 (16 с). sheba.spb.ru
4. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1995. Б.72.).
5. Sayidolimov, Javoxirbek Baxtiyorjon o‘g‘li AGIOGRAFIK ADABIYOTDA TAZKIRA // ORIENSS. 2023. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/agiografik-adabiyotda-tazkira> (дата обращения: 09.01.2024).
6. Sayidolimov, Javoxirbek Baxtiyorjon O’G’Li AGIOGRAFIK OBRAZLARNING MAZMUN-MOHİYATIDAGI EVRİLİŞHLAR // ORIENSS. 2023. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/agiografik-obrazlarning-mazmun-mohiyatidagi-evrilishlar> (дата обращения: 09.01.2024).